



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 31 март, № 63 (7021)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАРЧА ДАРАЖАДАГИ РАЎБАРЛАР БИР МАҚСАД – ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА МЕЎНАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган изчил ислохотлар, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 30 март куни Жиззах вилоятига ташриф буюрди.



Жиззах вилояти қадимдан Шарқ ва Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлининг муҳим кўналғаридан бири бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ҳудуднинг юртимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти янада ортди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар тўғрисида ҳудуднинг қулай жўғрофий ва транспорт-коммуникация имкониятларидан, ер ости ва ер юзига бўйича бўлиб келган иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланилмоқда. Президентимиз ўтган йил 28 апрель куни вилоятга ташрифи чоғида иқтисодий-иқтисодий ривожланиш жараёни билан танишган, аҳоли фаровонлиги, янги иш ўринлари яратиш бўйича муноқиша-ларга тегишли топшириқлар берган эди. Ўтган вақт давомида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари мамал тоши қўйиб берган Зафар обод туманидаги нефтини қайта ишлаш заводи қурилиш нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида катта воқеа бўлди. Айни пайтда лойиҳа қиймати 2,2 миллиард АҚШ доллари бўлган корхонани бунёд этиш ишлари юқори суръатларда давом этмоқда. “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида хорижий инвестициялар иштирокида бунёд этилаётган “Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive” заводи, яқинда ишга туширилган, ишла маҳсулотини ишлаб чиқариладиган “Ming Yuan Sily Industry” масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона, Жиззах шаҳрида бунёд этилаётган “SILK EXPERT processing” ипак етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонаси мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига ҳизмат қилади.

Ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган эътибор тўғрисида бундай йирик лойиҳалар олис туманларда ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Фориш туманининг Эгизбўлак қишлоғида Буюк Британиянинг “Leigh Barrier LLP” компанияси билан ҳамкорликда “Mega invest industrial” МЧЖ шаклидаги композит аматорлар ишлаб чиқариш заводи, Галлаорол туманидаги “MarJon global” доривор гиёҳларни қайта ишлаш, Зомин туманида “Зомин-фарм” эркин иқтисодий зонаси таркибидagi корхоналар вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Президентимиз бу галги ташрифи давомида вилоятни янада ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши, аввалги ташрифда берилган топшириқлар ижроси, аҳолининг талаб-эҳтиёжлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Зарбдор туманидаги “Zarbdor textile” масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Жорий йил апрель ойида ишга туширилиши режалаштирилган корхонада 17,5 миллион долларлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.

Корхонада йилга 31 миллион квадрат метр мато ҳамда 6,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Корхона ўз фаолиятини бошлаши билан 864 иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш эвазига жорий йил учинчи чоррағида яна 196 нафар хотин-қиз иш билан таъминланади.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда етиштирилаётган пахта ўзимизда тўлиқ қайта ишланиши қўшима қийматли маҳсулот тайёрлаш билан бирга, янги иш ўринлари яратиш имконини беришини таъкидлади.

Шу ерда Жиззах шаҳридаги собиқ тўқимачилик комбинатининг бўш турган бинолари негизда замонавий тўқимачилик маҳсулати барпо этиш. “Жиззах”, “Зомин-фарм” эркин иқтисодий зоналарида 2018-2019 йиллар учун режалаштирилган инвестиция, шунингдек, вилоятда енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими 2-сон ички ишлар бўлини масида бўлди.

Юртимизда хавфсизлик ва барқарорлигини мустаҳкамлаш, жамоат тартибини, аҳоли тинчлиги ва оқсоиштагани ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмаётди. Бунини профилактика, тезкор-қидирув, тергов, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, қўриқлаш, патруль-пост хизматлари, сафарбарлик отрядлари қайта ташкил этилаётгани, ички ишлар органларининг моддий-техника базаси мунтазам мустаҳкамлаб борилаётганида ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз 2017 йил 17 август куни ички ишлар идоралари ходимлари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Жиззах шаҳрида “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини татбиқ этиш бўйича топшириқ берган эди. Ушбу топшириқ ижроси бўйича Жиззах шаҳар бўлими 2-сон ички ишлар бўлини масида бўлди.

Хавфсиз шаҳар лойиҳасида “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини татбиқ этиш бўйича топшириқ берган эди. Ушбу топшириқ ижроси бўйича Жиззах шаҳар бўлими 2-сон ички ишлар бўлини масида бўлди.

олиб боришмоқда. Шунинг учун бу ерда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш керак, — деди давлатимиз раҳбари. — Ана шунда қурилаётган биноларнинг нархи арзон тушади.

Президентимиз вилоятда ичимлик суви тизимини ривожлантириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича барча манбани ишга солиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Жиззах вилояти кўп қаватли уй-жой фондиди таъминлаш дастурига асосан, 2017 йилда 345 та кўп қаватли уй-жой таъмирланган. Бу ишларни амалга оширишда тижорат банклари томонидан 16,3 миллиард сўм микдорида имтиёзли кредитлар ажратилган. 2018 йилда 409 та кўп қаватли уй-жой ва уларнинг атрофини ободонлаштириш кўзда тутилган. Ушбу мақсадларга 59,6 миллиард сўм маблағ жалб этилади.

Шавкат Мирзиёев лойиҳалар билан батафсил танишди. Мутасаддиларга ажратилган маблағлар, қурилиш ишларини якунига етказиш мuddатини назорат қилишни таъкидди.

Президентимиз Дўстлик туманидаги Манас қишлоғига ташриф буюрди. “Манас” қишлоқ фуқаролар йиғинида Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари терини қайта ишлаш, агросаноат мажмуаси ва озиқ-овқат кластери барпо этиш, туя сути билан давлойдиган клиника ташкил қилиш борасидаги тақлифларга алоҳида эътибор қаратди. Аҳолининг томорқа хўжалиқларидан самарали фойдаланишига кўмаклашиш, фермер ва деҳқон хўжалиқларига бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича консалтинг хизмати кўрсатиш, молиялаштириш базасини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Обод қишлоқ” дастурининг амалга оширилиши чекка ҳудудларда яшаётган миллионлаб юртдошларимиз ҳаётини яхшилашга, уларга муносиб турмуш тарзи яратишга қаратилган долзарб вазифа экани таъкидланди. Манас қишлоғи мамлакатимизда бошланган “Обод қишлоқ” дастурини татбиқ этишда намуна сифатида тарихда қолди.

Ўтган асрининг 60-йилларида вилоятнинг энг чекка ҳудудида барпо этилган Манас қишлоғида бугунги кунда 6,5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Кейинги йилларда инфраструктура иншоотлари, кўча ва йўллар, ичимлик суви, сиёсий, электр энергияси таъминоти, маданий-маиший хизмат кўрсатиш талабга жавоб бермаслиги натижасида одамлар анча қийналаётган эди.

“Обод қишлоқ” дастури асосида бу ерда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа муддатда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Дастур доирасида сизот сувлари бартараф этиш учун 41 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. Икки қаватли 34 та уйнинг томи қайта ёпилди. Уй-жойлар атрофидаги режасиз қурилишлар ўрнида янгидан ёрдамчи бинолар, тандинхоналар қурилди. Мевали ва 10 минг тулдан зиёд манзарали дарахт қўнатлари ўтказилди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Сувоқова” давлат унитар корхонаси жамоати томонидан 6,5 километрик сув қувири ётқизилди. Сув тарқатиш иншоотлари таъмирдан чиқарилди. 2 умумтаълим мактаби таъмирланди, қайта жиҳозланди. Ушбу мактабларда ўқув-ишлаб чиқариш устакхонаси барпо этилиб, дуралгорлик, чилангарлик, тикувчилик дастгоҳлари билан таъмин-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Э. А. САЛИЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Эргаш Алибекович Салиев Жиззах вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ ОРГАНЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш соҳасидаги ишларни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, мазкур йўналишда давлат органлари ва бошқа муассасалар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари белгиланди.

Шу билан бирга, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини ҳамда ушбу соҳада давлат-хусусий шериклиқни ташкил этишда энг мақбул амалиётларни қўллаш механизмларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи тизимли камчиликлар мавжуд.

Ваколатли органларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш, регуляторлик ва назорат қилиш вазифаларини тизимнинг эскирганлиги тўғрисида миллий аккредитация тизими хорижий бозорлардаги рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олмайти, бу эса талаб юқори бўлган товарлар, ишлар (хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга таъсир қилмоқда.

Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш, экспортга йўналтирилган ва рақобатбардош товарлар, ишлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш учун шaroитлар яратиш, мамлакат истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан химоя қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг:

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2018 йил 30 март куни Тошкент шаҳрида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитди.

Бошқарув раиси М. Нурмуратов ўз ҳисоботида пул-кредит сиёсати кучли инфляция босими сақланиб турган ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар фаол босқичга ўтган, шу жумладан, валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти эркинлаштирилаётган бир шaroитда олиб бориладиган ишга қайта асосида 2017 йил сентябрдан бошлаб миллий валюта айирбошлаш курсини аниқлаштириш бозор механизми жорий этилди, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун валюта маблағларини сотиш, сотиб олиш ва тасаруф этишга қўйилган чекловлар олиб ташланди.

(Давоми 2-бетда).



Сарвар ЎРМОҢОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ ОРГАНЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги “Ўзбекистон мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази” давлат корхонаси негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошида Аккредитация марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш;

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш ва инспекция назорати бўйича вазифаларини, синов ва калибрлаш лабораторияларини (кейинги ўринларда мувофиқлиқни баҳолаш органлари), шунингдек, илгари берилган аккредитация гувоҳномалари тўғрисидаги марказлаштирилган маълумотлар базаси ва материалларни Марказга ўтказиш ҳақидаги тақлифларни маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

мувофиқлиқни баҳолаш органларини халқаро стандартларга кўра аккредитация қилиш, шунингдек, мувофиқлиқни баҳолаш бўйича аккредитация қилинган органлар ва метрология хизматларининг белгиланган шартлар ва талабларни бажариши устидан инспекция назоратини амалга ошириш;

халқаро ва миллий аккредитация органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, ушбу соҳада халқаро стандартлар ва техник регламентларни жорий этиш;

мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш соҳасида миллий ва халқаро илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга оширилаётган давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси вазифаларини бажариш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилишни амалга оширувчи махсус ваколатли органдир ва у давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

Марказнинг фаолият соҳаси товарлар ва хизматларни баҳолаш ва сертификатлашни амалга оширувчи барча давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан татбиқ этилади;

кўрсатилаётган хизматлардан, Марказнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларида жойлаштиришдан олинган даромадлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Марказ директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Марказ директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Марказ тузилмасига, зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган штат бирлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартишлар киритиш;

энг илгор амалиётларга мувофиқ миллий стандартларни ишлаб чиқиш бўйича вазифаларни сифатли бажариш мақсадида шартнома асосида мустақил консултантлар ва экспертларни, шу жумладан, чет эллик мутахассисларни жалб этиш;

юқори малакали хорижий ва маҳаллий мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳамда уларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаш.

Белгилаб қўйилсинки, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори ишга қабул қилиш, ишчи касблар бўйича малака разрядларини белгилашда энг кам маълумот даражаси қисмида, истисно тарқасида, хорижий олий таълим муассасаларини битирган

тегишли йўналишдаги мутахассисларга нисбатан Марказда қўллаш учун тавсия хусусиятига эга.

6. Марказ 2021 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, компьютер ва сервер техникаси, техника воситалари, дастурий маҳсулот, ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари, шунингдек, бошқа моддий-техника ресурсларини олиб кириш учун божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

Марказ Уставини тасдиқласин ва белгиланган тартибда унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

бир ой муддатда Марказни унинг фаолиятини самарали ташкил этишни юқори профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали кадрлар билан тўлдирсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда икки ой муддатда барча илгари берилган амалдаги аккредитация гувоҳномаларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур чора-тадбирларни кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказнинг буюртмаларига асосан унга юклатилган вазифаларни бажариш учун жалб этилаётган хорижий мутахассисларга давлат божи ўндирилмасдан кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларни вақтинча прописка қилиш, тураржойи бўйича ҳисобга олишни ҳамда вақтинча прописка қилиш ва тураржойи бўйича ҳисобга олиш узайтирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Марказнинг буюртмаларига асосан унга юклатилган вазифаларни бажариши учун хорижий мутахассисларни республикага жалб қилишга рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек,

жалб этилаётган хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказнинг белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан ҳамда юқори тезликдаги интернет тармоғига уланишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги тегишли вазирлиқлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда Мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоом лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

12. Марказ Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 1-ўйда жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги тегишли вазирлиқлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Содиқов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 30 март	

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2017 йилда тижорат банклари-нинг жами капитали 2,3 баравар ортди ва 20,7 триллион сўмга етди. Капиталнинг етариллиқ кўрсаткичи 18,8 фоиз ошди, бу эса халқаро нормалардан 1,8 баравар ортқидир. Тижорат банкларининг жалб қилинган депозитлари умумий ҳажми 1,6 баравар ортди ва 58,7 триллион сўмни ташкил этди. Банклар активларининг умумий ҳажми 2 баравар кўпайди ва 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, 166,6 триллион сўмни ташкил этди.

Банклар фаол кредит сиёсати-ни амалга оширишни давом эт-тириши натижасида иқтисодиёт-нинг реал секторига йўналтирил-ган кредитларнинг жами ҳажми 2,1 баравар ортди ва 110,6 трил-лион сўмни ташкил этди. Ҳусу-сан, тижорат банклари томони-дан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 16,1 трил-лион сўмлик кредитлар ажратил-ди, бу эса 2016 йилдагига нис-батан 1,3 баравар кўпроқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик субъектларини молия-вий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 19,6 триллион сўмлик кредитлар, шу жумладан, 4 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди. Жумладан, аёлларнинг тад-биркорлик фаолияти ривожлани-

шини рағбатлантириш мақсади-да 2,8 триллион сўмлик, хизмат-лар ва сервис соҳасини ривож-лантириш учун 3,6 триллион сўмлик ҳамда оилавий тадбиркор-лик ва хунаремандчиликни ривож-лантириш учун 490,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Кишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсади-да тижорат банклари томонидан кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш учун 1,8 триллион сўмлик ипотека кредитлари берилди.

2017 йилда банк тизимида амалга оширилган чора-тадбир-лар Марказий банк пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш, банк тизимининг молия-вий барқарорлигини, унинг тад-биркорлик фаолиятини ривожлан-тиришдаги ролини янада мустаҳ-камлаш ва инвестиция жараён-ларидаги иштирокини фаоллаш-тириш имконини берди, шунинг-дек, мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлади.

Сенаторлар ҳисобот муҳокама-си давомида Ўзбекистон Респу-бликаси Марказий банкнинг фаолиятини янада такомиллашти-риш юзасидан тақлифлар ва та-всиялар бердилар. Банк фаоли-ятини назорат қилишнинг халқаро принциплари талаблари ҳамда бошқа чора-тадбирлар асносида капиталнинг етариллиги, тижорат банкларининг ликвидлиги ва

барқарорлигига доир талаблар бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш тавсия етилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 март-даги “Банк хизматлари оммабоп-лигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан назарда тутилган банк хизматларининг қулайлиги дара-жасини ошириш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъект-ларига хизмат кўрсатиш сифати ва маданийтини тубдан ошириш бўйича вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариши зарурлиги қайд этилди. Бизнес ва инвести-ция муҳитини яхшилаш, пул-кре-дит сиёсати монетар омиллари-нинг инфляцияга кўрсатадиган таъсирини камайитириш орқали нархлар барқарорлигини таъмин-лаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Муҳокама аюнлари бўйича Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажли-си Сенатининг тегиш-ли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенат-торлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигин 2017 йил-да ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ах-боротини эшитдилар.

Адлия вазирлиги томонидан қонун ҳуж-жатларининг, Ўзе-кистон Республикаси Президенти фармон-лари ва қарорлари-нинг ижросини таъ-минлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини такомиллаштириш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ижрочи-ларга ҳамда аҳолига етказишнинг самарали механизмларини яратиш йўлида бир қатор тадбирлар ўтказилаёт-ганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 фев-ралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан тако-миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тар-қатиш тизимини тубдан такомил-лаштириш, ижро этувчилар ва аҳолини ҳуқуқий хабардор қилиш сифатини ошириш чоралари кўрилмоқда. 2017 йил 7 сентябрь куни “Ҳуқуқий ахборотни тар-қатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Унда давлат органла-ри, вазирлиқлар ва идоралар-нинг, махсус ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш борасидаги ваколатлари, ҳуқуқий ахборотни

тарқатиш тартиби ва механизм-лари белгилаб берилган.

Қонун ҳужжатларини тезлик билан тарқатиш мақсадида ҳимояланган алоқа каналлари (VPN) орқали идоралараро элек-трон ҳамкорлик тизими ишга туширилганлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 20 мил-лионга етганигидан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги қонун ҳужжат-ларини аҳолига етказиш учун ин-тернет имкониятларидан имкон қадар кўпроқ фойдаланмоқда. “Фейсбук”, “Инстаграм”, “Твит-тер”, “Одноклассники” каби оммабоп ижтимоий тармоқларда вазирлиқнинг саҳифалари очил-ди. Охириги 4 ой ичида 100 минг-дан зиёд киши мазкур саҳифа-ларга кирди. Бундай саҳифалар одамлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш маконига айлан-ди. Вазирлиқнинг “Халқ билан мулоқот” саҳифаси интернетдаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлди, ушбу саҳифага 100 минг киши қўшилди. “Telegram” мес-

с-нуксонлар мавжудлиги аниқлан-ди, бу эса янги ёндашувларни излаш ва жорий этишни тақозо қилмоқда. Шу муносабат билан қисқа вақт ичида кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламлари 70 минг нусхада чоп этилди ва жойларда тарқатилди.

Мамлакатимизга инвестиция-лар киритиш эҳтимоли бўлган сармоядорларни Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитлардан ха-бардор қилиш мақсадида Ўзе-кистон Республикаси Миллий қонун ҳужжатлари базасининг инг-лиз тилидаги версиясини яратиш устида иш олиб боришмоқда.

2017 йилда давлат органлари-нинг ҳуқуқий тарғибот ва маъри-фатга доир ишларини мувофиқ-лаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг янгиланган таркиби тасдиқланди, мазкур кенгашнинг ҳудудий комиссиялари тузилди.

Бирок Идоралараро кенгаш-нинг бу йўналишдаги фаолияти-да қатор муаммолар мавжуд. Ҳусусан, давлат органлари томо-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

сенжеридаги “Ҳуқуқий ахборот” канали 4 ой олдин ишга туши-рилди ва бугун 80 минг обуначи-га эга. У орқали 2 500 дан ортқ ахборот тарқатилди.

Ҳуқуқий тарғибот соҳасида фойдаланувчиларнинг фаоллиги-ни ошириш мақсадида танловлар эълон қилинди. Уларнинг голиб-лари муносиб рағбатлантирил-моқда.

Қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ижтимоий тармоқлар орқали тушунтириш мақсадида уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) “Ҳуқуқий ахборот” видеоблоги лойиҳаси ишга туширилди.

Кўпчилик, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳоли интернетдан фойдалана олмаслигини инобат-га олиб, Адлия вазирлиги респу-блика минтақаларидаги ишлар ҳолатини ўрганиб чикди. Аҳоли-нинг ҳуқуқий маданиятини шакл-лантириш борасида жиддий

нидан ҳуқуқий тарғибот соҳасида ўтказилган тадбирлар таҳлил қилинмайди, давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишлари устидан таъсирли назорат ўрна-тилмаган, тадбирлар эскирган форматда ёки расмийтачилик учун ўтказилмоқда.

Ахборот муҳокамаси давомида сенаторлар Адлия вазирлигининг ушбу соҳадаги фаолияти самара-дорлигини янада ошириш юзаси-дан тақлифлар ва тавсиялар бер-дилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар тўй-ҳашам-лар, оилавий тантаналар, маъра-ка ва маросимлар, марҳумлар-нинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартиб-га солиш масаласини кўриб чиқдилар.

Тўй-ҳашамлар, оилавий танта-налар, маърака ва маросимлар,

марҳумларнинг хотирасига ба-ғишланган тадбирлар миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, халқимизнинг узоқ йиллик кадриятлари ва аънавларини ўзига акс эттиради.

Бирок кейинги пайтларда оилавий тадбирларни ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳолини инобатга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва аънавларини менсимаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда.

Оилавий тадбирлар билан бог-лиқ жуда катта ортиқча сарф-харажатлар оилаларнинг нафақат ижтимоий аҳолига, балки бутун ҳаётига, қолаверса, жамиятимиз-да қарор топган маънавий муҳит-га салбий таъсир кўрсатмоқда. Таҳлилларга қараганда, ёш оила-лар ўртасидаги ақсарият ажра-лишлар тўй-ҳашамлар билан бог-лиқ ҳолда келиб чиқаётган можа-ролар оқибатида эш бермоқда.

Ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ОАВ орқали Респу-блика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Нуроний” жағмармаси фаолларининг Мурожаати эълон қилинди. Унда давлат, нодавлат таъкилотлари ва кенг жамоатчи-лик сайё-ҳаракатларини бирлаш-тирган ҳолда бу йўналишдаги иш-лар самарадорлигини оширишга қақирилди.

Сенатда “Тўй-ҳашамлар, оила-вий тантаналар, маърака ва ма-росимлар, марҳумларнинг хоти-расига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жорий йилнинг 5 — 25 март кунлари кенг жамо-атчилик муҳокамасидан ўтказил-ди. Бу даврда телерадиоканал-лар ва даврий босма нашрларда юзга яқин материаллар эълон қилинди. Етақчи интернет на-шрлари ҳамда ижтимоий тармоқ-ларда жойлаштирилган материал-лар 1,6 миллион мартаба ўқилди. Кенг умумхалқ муҳокама-лари жараёнида фаол иштирок этган 400 мингдан ортиқ фуқа-ролар қарорни янада такомил-лаштириш бўйича қўллаб тақлиф ва фикрларни билдирдилар.

Оилавий тадбирларни тартиб-га солиш жамият учун ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканли-ги боис, аҳоли томонидан бил-дирилган тақлиф ва фикрларни инобатга олиб, мазкур масалани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мукаммал ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Сенати “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳум-ларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартиб-га солиш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди.

Ушбу қарор билан тўй-ҳашам-лар, оилавий тантаналар, маъра-ка ва маросимлар, марҳумлар-нинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартиб-га солишга оид жамоатчилик

фикрини ўрганиш бўйича Респу-блика ишчи гуруҳи тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди. Ишчи гу-руҳнинг асосий вазифалари ушбу масаланинг ОАВ, шу жумладан, интернет нашрларда фаол муҳо-кама қилинишини ташкил этиш, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳуду-дида оилавий тадбирларни ўтка-зиш борасида шаклланган ўзига хос урф-одат ва аънавларни аҳоли иштирокида чуқур ўрганиб чиқишдан иборат, деб белгилан-ди. Ишчи гуруҳга муҳокамалар якуни бўйича асосланган тақлиф-лар ишлаб чиқиш ва лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига кўриб чиқиш учун тақдим этиш топширилди.

Шунингдек, қарор билан Ўзе-кистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республи-каси Давлат солиқ қўмитаси, Республика Маънавият ва маъри-фат маркази, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзе-кистон автомобиль транспор-ти агентлиги, Ички ишлар вазирли-ги, шунингдек, давлат ва нодавлат таъкилотларига тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳум-ларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартиб-га солиш билан боглик маса-лаларни чуқур ўрганиб, Ишчи гуруҳга асослантилган тақлиф киритиш топширилди.

Бундан ташқари, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази аҳоли кенг қат-ламлари ўртасида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва тартиб-ли ўтказиш бўйича ижтимоий сўров ўтказиб, Ишчи гуруҳга умумлашган таҳлилий маълумот тақдим этиши топширилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзе-кистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар ки-ритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Ялли мажлисда Олий Мажлис Сенати ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ўн тўртинчи ялпи мажлис да-вомида 20 та масала, шу жумла-дан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг са-марадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, 2017 — 2021 йилларда Ўзбеки-стон Республикасини ривожланти-ришнинг бешта устувор йўнали-ши бўйича Ҳаракатлар стратегия-сини Фаол тадбиркорлик, инно-вациян гоғлар ва технологиялар-ни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил ижро этишга қаратилган 13 та Қонун кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, сенаторлар томонидан қабул қилинган қарорлар халқаро ҳам-корликни кенгайтиришнинг, мам-лакатимиз теварағида хавфсиз-лик муҳитини яратишнинг, фуқа-ролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатла-рини янада мустаҳкамлашнинг, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликни таъминлашнинг му-ҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини аюнлади.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати.**

Парламент ва жамоатчилик назорати янги босқичга кўтарилмоқда

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида давлат ҳамда жамият олдидаги муҳим вазифалар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ўзида муҳассам этган қонунлар маъқулланди, долзарб масала-лар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, Сенатнинг назорат фаолияти доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг, Марказий банк раисининг, адлия вазирининг ҳисобот ва ахбороти эшитилди. Бу демократиянинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган парламент ҳамда жамоатчилик назоратининг янги босқичга кўтарилётганидан далолатдир. Мухбиримиз муҳокама этилган ҳисобот ва ахборотнинг асосий жиҳатлари ҳақида сенаторларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Комила КАВЛАНОВА,

Фаргона вилояти

Тошлоқ тумани хотин-қизлар

қўмитаси раиси, сенатор:

— Инсон ҳуқуқларини таъмин-лаш, уларнинг қонуний манфа-атларини рўйбга чиқариш мам-лакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади-ни ташкил қилади. Урганишлар шуни кўрсатдики, бугун амалга оширилаётган бекиёс ўзгариш-ларга ҳамоҳанг равишда Вакил томонидан ҳам фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш бораси-да 2017 йилда муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, Омбудсман томонидан қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари-ни таъминлаш устидан пар-ламент назоратини қучайтириш бўйича аниқ мақсадга қаратил-ган ишлар олиб бориюмоқда. Ноконуний хатти-ҳаракатлар у-стидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш ақунлари ҳақида парламент палаталарини вақти-вақти билан огоҳлантириб бо-риш механизми жорий этилди, қийноққа солиш ва бошқа шаф-қатсиз, ғайринсоний ёки кадр-қимматни қамситувчи муомала ҳамда жазо турлирига йўл қўймаслик бўйича назорат-қил-лил тадбирлари ташкил этиш ва олиб боришнинг қўшма жадва-ли тасдиқланди.

Шу билан бирга, қўмитамиз томонидан ҳисоботни дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари Вакилга берилган парламен-т назорати механизмларидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланилма-ганини кўрсатмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилот-лар раҳбарларига тақдимнома-лар киритиш амалиётидан умум-ман фойдаланилмаган.

Шоҳида АРИПОВА,

Сурхондарё вилояти

Термиз шаҳридаги

4-ихтисослаштирилган умум-

таълим мактаб-интернати

директори, сенатор:

— Сенаторлар Марказий банк раисининг 2017 йилдаги фаоли-яти тўғрисидаги ҳисоботини ат-рофчида кўриб чиқишди. Айтиш мумкинки, бугун юртимизда банк-молия ислохотлари тобора қучуқлашиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили пул-кредит сиёсати кучли инфляция босими сақлан-ган, иктисодиётда туб ислохот-лар амалга оширилаётган, шу жумладан, валюта сиёсати ҳамда ташқи савдо фаолияти эркинла-шаётган шaroитда олиб бори-лди. Биргина хорижий валютанин эркин конвертациясига ўтиш жа-раёни қисқа муддатда сезилар-ли ларзаларсиз амалга оширил-гани бунинг ёрқин далилидир. Ваҳолонки, яқин-яқингача икти-содий сиёсатдаги бу каби энг долзарб масалани ҳал этишда барчамизда катта ҳадик ва ха-вотир бор эди. Натижада хори-жий валюта савдоси бир неча баравар ошиб, 2017 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 7,3 милли-ард долларни ташкил қилди. Ва-люта айирбошлашдаги норасмий усулларга чек қўйилди.

Жорий йилда ҳам пул бозори янада такомиллаштирилади. Валюта бозорини эркинлашти-ришга оид ишлар давом эттири-лади. Валюта курси бозордаги талаб ҳамда тақлиф асосида шаклланади. Уни эркин тасарруф қилиш учун халқаро конвертаци-он карталарни исталган жойда ишлаш имконияти яратилади. Яъни карта эгаси валюта мабла-ғини масофадан туриб бошқари-ши мумкин бўлади. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, оддий одам-лар, тадбиркорлар, туристлар учун кенг қўлайликлар яратди.

Сенат аъзолари, шунингдек, жойлардаги долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларни ўз вақ-тида ҳал этишга, белгиланган ва-зифалар ижросини сифатли таъ-

Мухаммаджон МАҚСУДОВ,

Наманган вилояти

телерадиокомпанияси

директори, сенатор:

— Қабул қилинган қонунлар, Фармон ва қарорлар, қисқача айтганда, ҳуқуқий ахборотни тар-қатиш ҳамда ундан самарали фойдаланишни таъминлаш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётир. Мамлака-тимизда бу борадаги ишларни тизимли ва самарали ташкил қилиш мақсадида ўтган йилнинг сентябрида “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш-ни таъминлаш тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Унга кўра, Ад-лия вазирлиги бу борада амалга оширилган ишлар хусусида ҳар йили Сенатга ахборот тақдим этади. Шу нуқтаи назардан, се-наторлар адлия вазирининг ах-боротини танқидий-таҳлилий руҳ-да кўриб чиқдилар. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2017 йилда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ҳамда ундан фойдаланишни таъ-минлаш борасида қатор ижобий натижаларга эришилган.

Бироқ мазкур йўналишда ўз ечимини кутаётган муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган ва-зифалар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам мавжуд. Хусу-сан, Ҳуқуқий тарғибот ва маъри-фат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш ҳамда унинг ҳудудий комиссия-лар фақатгина ташкилий-даврий й-йилишларни ўтказиш билан чи-фояланиб қоляпти.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳам бу борадаги фаолияти лозим даражада йўлга қўйилмаган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари-ни расман эълон қилиш амалиё-ти етарлича ташкил этилмаган, мазкур ҳужжатлар уларнинг расмий веб-сайтларида ҳам эълон қилинмаган. Оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва

тарғибот ишлари ҳам талабга жавоб бермайди. Бундай тадбирларнинг атиги 9 фоизи оммавий ахборот воситалари ҳиссасига тўғри келмоқда. Табиийки, бу каби ҳолатлар кенг кўламли ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари маъмул-мохиятининг аҳоли эътиборига самарали етказили-шига салбий таъсир ўтказмоқ-да. Шу сабабли сенаторлар ушбу йўналишдаги хато ҳамда камчиликларни бартараф этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш борасида таъсирчан чоралар кўриш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсияларни билдирдилар.

Сайёра АБДИКАРИМОВА,

Хоразм вилояти

хотин-қизлар қўмитаси

раиси, сенатор:

— Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаат-номасида 2018 йил биз учун осон бўлмаслигини, лекин тан-лаган йўлимиздан қайтмаслигини-ни шартлигини, зотан, бугун гап халқимиз, Ватанимизнинг тақдирини ҳамда келажак, жондан азиз болаларимизнинг бахти ва камоли ҳақида бораётганини алоҳида таъкид-лаган эди. Ана шундай ҳаётий даъват асосида барча соҳада аниқ ҳамда изчил саъй-ҳаракат-лар жадаллик билан рўёбга чи-қарилаётгани эътиборга молик.

Бинобарин, парламент, хусу-сан, Сенат ҳам ҳозирги пайтда мутлақо янгича талаблар ва ме-зонлар асосида фаолият олиб бормоқда. Чунончи, вакиллик органларининг кундалик ишида инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликла-рига оид конституциявий тамо-йилни ўзсиз таъминлаш усту-ворлик касб этаётир. Айни чоғ-да амалдаги қонун ҳужжатлари-ни изчил такомиллаштириб бо-риш, турли даражадаги ижро ҳокимияти органларининг халқ вакиллари — парламент ва маҳаллий Кенгашлар олдида ҳисобот бериш амалиётини кенг жорий қилиш, парламен-т вакиллик ҳамда жамоатчилик назора-ти механизмларини янада ривожлантириш асосий вазифа-мизга айланапти. Ана шу талабларга узвий боғлиқ ҳолда, Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлисида ҳам давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифалар ижросини таъмин-лашнинг ҳуқуқий асосларини ўзида муҳассам этган қонунлар маъқулланди, долзарб масала-лар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Қобил ХИДИРОВ

ёзиб олди.

СЕНАТДА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН

Халқимизда тўй ва маъракаларни қариндош-уруғ, қўни-қўшни ва жамоатчилик иштирокида ўтказиш қадимдан анъанага айланган. Шу боис тўй муайян шахс ҳаётида-ги хусусий тадбиргина бўлиб қолмай, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик маданий ҳодиса-дир. Бироқ кейинги пайтларда айрим ҳудуд-ларда баъзи кимсаларга эргшиб, қарзга ботиб, кимўзарга тўй қилаётган, оқибатда оилавий ҳаловатини йўқотаётган хонадонлар-

нинг кўпайиб бораётгани бутун жамоатчилик-ни ташвишга солмоқда. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, содир бўлаётган оилавий можаролар, ажралишлар, қудалар ўртасида-ги совуқчилик сабаблари ҳам аксарият ҳол-ларда айнан шу масалага бориб тақалади. Ташвишланарлиси, айрим шухратпараст кимсалар тўй-ҳашамларни ўтказиш бўйича мусобақа қилиб, турли-туман янги одатларни “урф”га киритмоқдалар.

Тўйлардаги номақбул одатлар билан муроса қилиб бўлмайди

Давлат ҳамда жамоат ташки-лотлари томонидан кўрилаётган чоралар ва олиб борилаётган тарғибот ишларига қарамадан, бу муаммолар ўз ечимини топмапти, аксинча, уларнинг кўлами тобора кенгайиб бораёт-гани ҳеч биримизга сир эмас. Хабарингиз бор, ушбу йўналиш-даги ишларнинг самардорлиги-ни янада ошириш мақсадида Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда “Нуроний” жамғармаси фаолларининг Мурожаати эълон қилинди. Унда юртимиз жамоатчилиги юқорида-ги каби иллатларни батамом йўқотишда ҳамфир ва ҳамжихат бўлишга даъват этилди.

Мурожаатда таъкидлангани-дек, тўй-маъракалар миллият-мизнинг азалий қадриятлари ҳамда анъаналарини намоеън қиладиган кўзгу экан, уларни юксак маънавий мезонларга му-носиб тарзда ўтказишимиз ва бу эзгу ишга ҳамма бирдек бош қўиши керак. Ҳеч ким ўзини четга олиши, “Менга бунинг дах-ли йўқ”, деб лоқайд бўлиши мум-кин эмас. Зеро, не-не машаққат-ларни, оғир кунларни бир жону бир тан бўлиб, мардларча енгиб ўтган доғишманд халқимиз одоб-ахлоқ мезонларига ҳам, муқад-дас динимиз талабларига ҳам тўғри келмайдиган бундай иллат-ларга барҳам беришга қодир.

Мазкур Мурожаатдан келиб чиқиб ҳамда ушбу масалани нор-матив-ҳуқуқий ҳужжат орқали тартибга солиш мақсадида “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича жамоатчилик фикри-ни ўрганиш мақсадида давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари, ху-сусан, сенаторлар, Маданият, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, Дин ишлари бўйича ва Хотин-қизлар қўмиталари, Мусулмонлар идораси, Ёшлар иттифоқи, Маънавият ва маърифат маркази, Савдо-саноат палатаси каби вазирлик ҳамда идо-ралар ва жамоат ташкилотлари ва-килларида иборат Республика ишчи гуруҳи тўзилди.

Ишчи гуруҳ оилавий тадбирлар-ни ўтказишни тартибга солиш ма-саласини телевидение, радио, бос-ма даврий нашрлар ҳамда интер-нет ахборот тармоғи имкониятла-ридан кенг фойдаланган ҳолда, барча аҳоли қатламлари иштиро-кида фаол муҳокама қилинишини ташкил этади. Мамлакатимиз ҳар бир ҳудудининг ўзига хос хусуси-ятларини инобатга олиб, оилавий тадбирларни ўтказиш борасида шаклланган урф-одат ва анъана-ларни аҳоли иштирокида яна бир бор чуқур ўрганиб, таҳлил қилади. Жойларда маҳалла фаолларини, нуронийлар ҳамда ёшларни жалб этиб, аҳолининг оилавий тадбир-

ларни ихчам ва камхарж ўтказиш бўйича мулоҳазаларини, шунинг-дек, имом-хатиблар томонидан миллий ҳамда диний қадриятлар-га, ахлоқ нормаларига зид бўлган маросимлар, номақбул одатлар ва уларнинг салбий оқибатларига муносабатини ўрганиб чиқади ҳамда барча учун мақбул келади-ган тақлифлар тайёрлайди. Ўрганишлар ва таҳлиллار натижа-сида, албатта, маҳаллий Кенгаш-ларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилиниши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Муҳокамалар жараёнида кенг жамоатчилик, барча давлат идо-ралари ҳамда нодавлат ташкилот-лар, тадбиркорлик субъектлари ва тўйхона эгалари ўзларининг соҳа-сидан келиб чиқиб, оилавий тад-бирларни миллий қадриятлари-миз мос ҳолда ихчам, камхарж ўтказиш бўйича тақлифларини тайёрлаши, уларни амалга оши-ришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бундан ташқари, аҳоли кенг қатламлари ўртасида тўй-ҳашам-лар, оилавий тантаналар, маъра-ка ва маросимларни ихчам ҳамда тартибли ўтказиш бўйича ижтимо-ий сўровлар ўтказилиши ҳам кенг жамоатчилик фикрини адолатли баҳолаш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтганда, бу жа-раёнга имкон қадар кўпчилиكنи қамраб олиш керак. Ёшү кекса, аёлу эркак, қисқаси, ҳамма ўз фикрини айтиши, тақлифини бе-риши мақсадга мувофиқ. Мақса-димиз, бу масалада халқимизнинг ўзи ташаббускор бўлишидир. Би-нобарин, ушбу масалага ҳар бир оила, маҳалла, кенг жамоатчилик иштирокида ечим топиш, майда-чуйда, бақана одатларни таг-то-мири билан куриштиб ташлашга эришишимиз жоиз. Бунда биз, халқ вакиллари, давлат ва жамо-ат ташкилотлари, ижодкорлар, оммавий ахборот воситалари фаол бўлиши аини заруратдир.

Гаъфур АЛИМОВА,

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.



Ҳусейн ГУЛИЕВ,

Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

«Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзоқни кўзлаб юритаётган сиёсати туфайли мамлакат ва минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга эришилаяпти»

Ўзбекистон ва Озарбайжон — қадриятлари, дунёқараш, маданияти ўхшаш қардош эллар. Бугунги кунда давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик борасида тўпланган тажрибани янада бойитиш, мамлакат-ларимиз ҳамда халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи янги қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида изчил саъй-ҳаракатлар олиб бориюмоқда.

Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳусейн ГУЛИЕВ билан уюштирган эксклюзив суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

Эксклюзив интервью

— Элчи жаноблари, Озарбай-жон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги дара-жасини қандай баҳолайсиз?

— Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари ўзоқ тарихга эга. Бизни, аввало, миллий анъаналар, умумий тил гуруҳига мансублик, маданият, дин каби жиҳатлар бирлаш-тиради. Қолаверса, дўстона муносабат-ларимиз Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёда катта стратегик аҳамиятга эга бўлган икки давлатнинг позициясини янада мустаҳкамлашни жадаллаштирди. Ҳозирги вақтда барча қўшма ташаб-буслар изчил давом эттирилиб, мамлакатимиз Президентни Илҳом Алиев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томони-дан муваффақиятли амалга оширилмоқ-да. Президентлар икки давлат ўртаси-даги алоқаларни кенгайтириш бўйича изчил сиёсат юритишаяпти. Яқин ва яқинчи мулоқот Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон етакчилиги учун муҳим омил саналиб, бу давлатлараро муно-сабатларни юқори даражага кўтариш имконини берапти.

Маълумки, Озарбайжон Жанубий Кавказ минтақасида Ўзбекистоннинг асосий шериги ҳисобланиб, геосиёсий ва геоиқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим ўрин тутadi. Ўз навбатида, Ўзбекистон минтақадаги энг муҳим “фигура”лардан бири ҳисобланади. Ҳар икки давлат ҳам минтақадаги ҳамда халқаро масалалар-да бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳамда

Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўта-рилиб, ривожланиш учун муҳим туртки бўлди. Умуман, иқтисодий, гуманитар, маданий ва бошқа алоқаларимиз ҳам жадал ривожланиб борапти.

Бугунги кунда Озарбайжон ҳамда Ўзбекистон ўртасида ўзаро сиёсий ишонч борлиги ва икки мамлакат халқ-аро ҳамда минтақавий ташкилотлар до-ирасида бир-бирини қўллаб-қувват-лаётганини қатъий ишонч билан айти-шим мумкин. Сўнгги йилларда Ўзе-бекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик да-ражасига кўтарилиб, ривожланишининг юксак поғонасига чиқди. Лекин биз фа-қат битта юқори даражадаги сиёсий му-носабатлардан қониқиб ниятимиз йўқ.

— Ўзбекистонда амалга ошири-лаётган ислохотлар ҳақида нима дея оласиз?

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзоқни кўзлаб юритаётган сиёсати туфайли мамлакат ҳамда минтақада тинч-лик ва барқарорликни мустаҳкамлашга эришилаяпти. Шавкат Мироноович президентликка келганидан сўнг мамлакат ташқи сиёсатида очиклик йўлга қўйилди, қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаш учун бир қатор чор-рота-тадбирлар амалга оширил-ди. Ўз навбатида, мазкур ташаббуслар Ўзбекистон салоҳияти сезиларли дара-жада юксалишга хизмат қилмоқда.

Сиёсий барқарорликни мустаҳкам-лаш, иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий йўналтирилган сиёсатни юритиш ҳамда аҳоли турмуш даража-

сини янада юксалтириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётир. Мамлакат иқтисодиёти жадал ривожланапти, халқнинг турмуш даражаси барқарор равишда ошиб бормоқда. Буни жадал ўсаётган иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, мамлакат ЯИМнинг доимий ортishiда ҳам кўриш мумкин. Демак, Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан ишонч билан одимлаётир.

— Ўзбекистонда 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси ҳамда шу йўналишда олиб бори-лаётган ишлар бўйича фикрларин-гизни билмокчи эдик.

— Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқ-даки, жамиятда реал мулкдорларнинг етачки синфи мавжудлиги барқарорлик ва фаровонлик қафолати ҳисобланади. Глобallaшув шароитида инновацион тараққиёт мустаҳкамлиги мамлакат ра-кобатбардорлиги, унинг технология, экологик хавфсизлиги ҳамда барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омил саналади. Иқтисодиётнинг инно-вацион модели мамлакатнинг истикбол-да фаровонликка эришишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ишбилармонлиқни ривожлантиришда ишлаб қилишининг ўсишини таъминлаш ва замонавий тех-нологияларни жорий этишга жидий эътибор қаратила бошланди. Аҳолининг турли қатламларини тадбиркорлик

фаолиятига жалб қилиш, уларга бу бо-рада имтиёзлар бериш бўйича мамла-кат раҳбариятининг қарорини ягона тўғри ёндашув, деб ўйлайман. Зеро, ишбилармонлик бозорини зарур товар-лар ҳамда хизматлар билан тўлдириш, шунингдек, даромад олишга йўналти-рилган фаолиятдир. Бу, ўз навбатида, давлатдаги барқарорлик гарови ҳамдир.

— Озарбайжонлик инвесторлар учун Ўзбекистонда қандай салоҳият борлигини кўраясиз? Иқтисодиётнинг қайси соҳалари ҳамкорлик қилиш учун энг жозибали ҳисобланади?

— Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларни раванқ то-птириш учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда бу йўналишда сезилар-ли ютуқлар мавжуд, аммо аини пайтга қадар қўлга киритилган натижалар биз-ни қаноатлантирмайди. Мамлакатлари-миз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик-нинг тўлиқ салоҳиятидан фойдаланиш ва ҳамкорликни кенгайтириш учун ҳар икки томоннинг саъй-ҳаракатларини жадаллаштириш зарур.

2017 йил якунларига кўра, давлатла-римиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 31,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шундан 26,2 миллион дол-лари экспорт, 4,9 миллион доллари эса импорт ҳиссасига тўғри келади, ҳолос. Бугунги кунда Ўзбекистонда Озар-байжоннинг 84 та корхонаси, шундан 71 қўшма корхона ҳамда 11 тўлиқ хо-риж капитални асосидаги корхона фао-лият кўрсатмоқда. Савдо-сотик, маши-носозлик ва металлни қайта ишлаш, мо-лия ҳамда сўғурта, кўнмас мулк билан амалиётлар, энергетика, хизмат кўрсатиш, зарғарлик буюмлари ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, озик-овқат тармоклари, энгил саноат мазкур корхоналарнинг асосий фаолият тури ҳисобланади.

Табиийки, Ўзбекистон ҳамда Озар-байжон ўртасидаги иқтисодий ҳамкор-лик икки томонлама муносабатларни ри-вожлантиришда катта аҳамиятга эга. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик бўйича мавжуд са-лоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш ва ушбу

соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш учун ҳар икки томон ўз саъй-ҳаракатларини қучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон иш-билармон гуруҳларининг бевосита ше-риқчилик алоқаларини ривожлантириш, инвестициявий ҳамкорлик миқёсини ке-нгайтириш билан савдо-иқтисодий кўрсаткичларни бир неча баробар кў-пайтириш мумкин. Ўзбекистон — Озар-байжон Ҳукуматлараро қўшма комиссия-си фаолиятини фаоллаштириш, бизнес форумлари ўтказиш, Ўзбекистон ва Озарбайжон иқтисодий салоҳиятини намойиш қилиш, кўргазмалар ҳамда бош-қа тадбирлар ташкил этиш бу борада муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, қўшма комиссия ҳали ишга солинмаган ва янги имкониятларни юзага чиқариш, ҳамкор-лик миқёсини кенгайтириш йўлларини аниқлаш, ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан шугулланади. Иқти-содий форумлар эса янги шартномалар имзолашда икки давлат имкониятлари ҳақида ишбилармон доиралар қабардор-лигини оширишга хизмат қилади. Банк-молия секторидagi алоқаларни ривож-лантириш, икки давлат экспорт товар-лари ҳамда хизматлари рўйхатини тўздан қайта кўриб чиқиш лозим. Бу бизнес соҳаси вакиллари мулоқотини кенгайтиришда муҳим ўрин тутadi.

Бинобарин, 2018 йил 20 февраль кўни Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Озарбайжон Тадбиркорлар миллий кон-федерацияси томонидан икки давлат ишбилармонлари иштирокида Ўзбеки-стон — Озарбайжон бизнес форуми ва кооперация биржаси ташкил этилди. Бу эса тадбиркорлик соҳасидаги ҳам-корликни раванқ топтиришга қўшимча туртки берди. Озарбайжондан келган делегация таркибидан қурилиш, ишлаб чиқариш, дастурий таъминот, туризм, молия, тўқимачилик ҳамда бошқа жабҳалар билан шугулланадиган компа-ниялар вакиллари жой олди. Ушбу таш-риф Озарбайжон махсуслотларини Ўзе-бекистон бозорига олиб кириш, мазкур мам-лакат бизнес соҳаси вакиллари билан ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш ва Ўзбекистондаги сармоявий муҳит билан танишишга қаратилди.

— Туризм соҳасидаги ҳамкор-лик қандай ривожланааяпти?

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Халқимизда “Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил”, деган нақл бор. Бугун юртдошларимизнинг тилида ҳам, дилида ҳам шукрона. Ахир турмушимиз кун сайин фаровонлашиб бормоқда. Энг муҳими, одамларнинг дунёқараши ўзгариб, узоқ йиллар мобайлида ўрнашиб қолган боқимандалик кайфияти барҳам топмоқда. Топшириқларни ҳўжакурсинга ууддалаш ўрнини ташаббускорлик ва янгиликка интилиш эгаллаётгани эса чиндан-да, қувонарли ҳол.

«ТОМОРҚАГА ЭКИН ЭКИШ» ОЙЛИГИ:

ҲОЗИР ЭКМАСАК,
КЕЙИН КЕЧ БЎЛАДИ

Президентимиз шу йилнинг 23 март куни бўлиб ўтган йиғилишда қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш, катта даромад топиш учун ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, экин-тикин ишларини ўз вақтида бажариш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу каби ўзгаришлар самараси аграр соҳада ҳам кўзга ташланиб, мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжидан ортадиган миқдорда дон етиштириляпти. Шу боис дастурхонларимиз бут, эртанги кунга ишончимиз мустаҳкам. Бироқ ҳаёт фақат нон билангина тўқис эмас. Рўзгоримизнинг файзу баракасини таъминлашда мева-сабзавот, полиз, дукхаки экинлар, қўкатлар, балиқ ва бошқа маҳсулотлар сероблиги муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, инсон саломатлиги учун бундай неъматлар мунтазам истеъмол қилинмоғи зарур.

Этиборлиси, одамлар уларнинг ҳаммасини бозордан сотиб олиши шарт эмас. Бир парча томорқа бўлса, хонадоннинг асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган йиллик эҳтиёжини таъминлаш учун қифоя қилади. Бунга Қизилтепа туманидаги Башир маҳалласи аҳолисининг тажрибаси яққол мисол бўла олади.

Маҳалладаги ҳар учинчи хонадонда иссиқхона бор. Етиштирилаётган тонналаб мева-сабзавотларнинг эҳтиёждан зиёди бозорга чиқарилади.

— Мақтанишга йўйманг-у, мева-сабзавотни сотиб олиш маҳалламизда уят ҳисобланади, — дейди “Башир” МФЙ фаоли Ойбек Зарипов. — Ақсинча, бозорга маҳсулот чиқарганлар ҳар томонлама рағбатлантирилади. Фуқароларимизнинг иссиқхоналари учун кўмир, ўғит, усимлик зарарқунандаларига қарши кимёвий дори воситалари марказлашган ҳолда етказиб берилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, маҳалламиз аҳли томонидан ўтган мавсумда 20 миллиард сўмлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, томоркадан ҳар бир хонадон ўртача 20 миллион сўмдан даромад олди. Турмушимиз ободлиги шу ер ҳисобидан. Олтимиш фоизга яқин оилалар ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобилларга эгаллиги фикримиз тасдиғидир.

Вилоят бозорларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари нарх-навоосининг барқарорлигида Қармана туманидаги Жалойир қишлоғи аҳолисининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг ихтиёридаги томорқаларнинг умумий майдони 395,5 гектар бўлиб, жумладан, 264 та хонадон ўзининг иссиқхонасига эга. Шулардан бири Шерали Мустафоев оиласи бўлиб,



Ҳар қарич ер ҳисобда



Ернинг умри беҳуда кетмоқда

икки сотихлик иссиқхонадан йилига 12 — 15 миллион сўмга яқин даромад қилади.

Англаш мумкинки, томорқадан самарали фойдаланилса, қони фойда. Бироқ Навоий вилоятининг айрим туманларида аҳоли томорқа ерлари ишлатилмаётгани давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоинтервюда айтилишида танқидий кўрсатиб ўтилган эди.

— Бундан тўғри хулоса чиқариб, кенг қамровли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Саъдулла Истамов. — Шу асосда маҳаллалар, секторлар кесимида иш ташкил этилиб, аҳоли томорқаларидан фойдаланишнинг аҳоли танқидий ўрганилди. Бир қарич ерни ҳам бўш қўймаслик мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хатирчи унумдор ери ва етарли сув ресурсларига эгаллиги билан ажралиб туради. Туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Ҳусниддин Ризоқулловнинг айтишича, 68 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 36 минг 209 хонадоннинг жами 4 минг 312,3 гектар экин ери бўлиб, шунинг 99,4 фоизига режадаги қишлоқ ҳўжалиги экинлари экилган.

Албатта, ушбу маълумот ҳар қандай кишини қувонтиради. Биз қисқа муддатда бажарилган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида туман марказидан Боғчақалон ҳудуди томон йўл олдик. Кўчага яқин хонадонлардан бирига киришимиз. Ушбу ҳовли ту-

маннинг Фидокор маҳалласида истикомат қилувчи Жамшид Усмоновга тегишли экан. Ажаблანарлиси, 10 сотихли томорқа қақраб ётибди. Ҳудуддаги Ҳусниддин Нурназаров томорқасининг ярмидан кўпига беда экилган бўлса, қолган қисми қаровсиз ахволда. МФЙ жойлашган бино ва унга туташ иморатларнинг ҳам тўрт тарафига беда экилганини кўриб, ҳамроҳимиздан “Нима, маҳалланинг моли борми?” деб сўраймиз.

қарич ер ҳисобда. Ерда ўзининггина эмас, балки кўпнинг ризқи бор, деб ҳисоблашаркан.

Очигини айтиш керак, Хатирчи туманида ҳам шу каби томорқа ердан самарали фойдаланиб, ўзи ҳам, эл ҳам наф кўраётган фуқаролар кўплаб топилигани каби, унумдор ернинг умрини беҳуда ўтказаятган кишилар бошқа ҳудудлар, хусусан, Қармана, Навбахор ва Қизилтепа туманларида ҳам йўқ эмас. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли моддасига ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ ҳўжалиги экинлари экилмаган ёки у ободонлаштирилмаган ҳолларда 3 баробар миқдорда ер солиғи тўланишини белгилловчи қўшимча киритилгани, шунингдек, фойдаланилмаган томорқа ерлари давлат томонидан олиб қўйилиши ва қайтариб берилмаслиги бундай хонадон соҳибларини уйқудан уйғотса, ажабмас.

Илгари томорқа ҳўжалигини юртишда айрим муаммолар ҳам йўқ эмасди. Деҳқончилик ҳаракатидагилар сифатли уруғлик, минерал ўғитлар, кимёвий дори воситалари

“Мол йўқ, лекин бу бинолар бизга тегишли эмас”, дея изоҳ беради посбон Баҳодир Равшанов.

топишда қийналар эди. Президентимиз ташаббуси билан барча туманда ташкил этилаётган “Томорқа хизмати”

“Янгийўл” МФЙдаги Воҳид Темировга тегишли хонадон олдида тўхтаймиз. Ўн олти сотихлар чамаси томорқага ҳеч нима экилмаган. Ҳатто ер кетмон кўрмаганига кўп бўлган шекилли, ағдарилмаган ҳам. Хонадон соҳиби маккажўҳори экомқчи эканлигини айтади. Икром Қарвон номидаги МФЙда яшовчи Азамат Адизов ҳовлисининг саккиз сотих атрофидаги майдонида беда ўсаяпти, ҳолос.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тумандаги ақсарият томорқаларга беда ва шунга ўхшаш кўп йиллик экинлар экилган. Тўғри, ҳашак чорвачилик учун ўта зарур. Бироқ Хатирчидек тупроғи унумдор туманда чорва озукаси масаласини такрорий екин мавсумида ҳал этишнинг имкониятлари мавжуд-ку?!

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, энг аввало, ички бозор юқини енгиллаштиради. Буни яхши англаган “Норхонбегим” фермер ҳўжалиги раҳбари Нодира Охунова томорқасидаги бир қарич ернинг ҳам умрини бекор ўтказмади.

— Бир гуруҳ фермерлар билан бирга АҚШнинг Калифорния штатида бўлдим, — дейди Н. Охунова. — Ҳавасимни келтирган жиҳат шуки, ҳар

ФИФанинг Ҳакамлар кўмитаси футбол бўйича Россияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида фаолият юритадиган 36 нафар бош ҳакам ва 63 нафар ён ҳакам рўйхатини эълон қилди. Қувонарлиси, унга Осиёнинг беш қарра энг яхши рефери-си сифатида эътироф этилган Равшан Ирматов ҳам киритилди. Юртдошимизга қанотларда Абдуҳамидулло Расулов ҳамда Жаҳонгир Саидов ёрдам беради.

Равшан Ирматов
ўз рекордини янгилаш арафасида

Осиё қитъасидан бош ҳакам сифатида Равшан Ирматовдан ташқари, шунингдек, Фаҳад Ал-Мирдаси (Саудия Арабистони), Алириззо Фағоний (Эрон), Мухаммад Абдулла (БАА), Рюжи Сато (Япония) ва Навоф Шукрулло (Баҳрайн) жалб этилди.

Мундиалда Европа қитъасидан ўн нафар рефери қатнашади. Улар орасида энг таниқиларидан германиялик Феликс Брих, голландиялик Бьерн Кайперс, италиялик Жанлука Рокки, туркиялик Жунайт Чақир ва

бошқаларни кўриш мумкин. Африка, КОНКАКАФ, Жанубий Америка минтақаларидан ҳам олти нафардан

бош ҳакам сифатида майдонга тушган. Россияда бўладиган мусобақада ҳамюртимиз ўз рекордини янгилайди. Унинг кўрсаткичига анча вақтгача ҳамкасблари ета олмадлиги аниқ.

Равшан Ирматов ҳакамлик борасида эришган юксак натижалари ва юртимизни дунёга танитишдаги ҳиссаси учун “Буюк хизматлари учун” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари ҳамда “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирланган.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
тойёрлади.

Фамхўрлик

Жиззах вилотида жорий йилнинг учинчи чорағигача 90 нафар, охиригача эса 60 нафар, жами 150 нафар эҳтиёжман фуқарони уй-жой билан таъминлаш кўзда тутилган.

Ўз уйинг
бўлганига
нима етсин

— Кўп йиллар ўғлим билан бир хонали уйда ижарада ашаб, касалмандлигимга қарамай ёлғиз фарзандимни тарбияладим, бошимдан нималар ўтмади, дейсиз, — дейди Ирина Мишанова. — Бугун менга икки хонали уй беришди, бундан жуда хурсандман.

Бундай миннатдорлик сўзларини янги хонадонга кўчиб ўтганларнинг ҳар биридан эшитиш мумкин. Зеро, бу “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуг” деган эзгу тамойил амалий ифодасини топаётганига яққол мисолдир.

Толибжон ЭРҒАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«Ўзметкомбинат» АЖ

**2018 йил давомида
хом ашё материаллари,
жиҳозлар, ускуналар,
бутловчи ва
эҳтиёт қисмларни
сотиб олиш бўйича
танлов эълон қилади.**

Батафсил маълумот
олиш учун сайт:
www.uzbeksteel.uz

Таклифларни қуйидаги
манзилга юбориш лозим:
**110502, Тошкент вилоти,
Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй.**
Алоқа учун телефонлар: (+99870) 214-20-99,
214-17-48, 214-14-33, 214-12-40.
E-mail: info@uzbeksteel.uz

QISHLOQQURILISHBANK

**«Қишлоқ қурилиш
банк» АТБ**

**пул қадоклаш
вакуум қурилмаларини
сотиб олиш бўйича
танлов савдолари
эълон қилади.**

Тижорат таклифлари
2018 йил 10 апрелга қадар
қабул қилинади.

Батафсил маълумотларни ва танлов
ҳужжатларини қуйидаги манзилдан
олиш мумкин:
**100060, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-«А» уй.**
Телефонлар: (0-371) 150-76-77,
150-79-41.

Хизматлар лицензияланган.

**Фарғона вилоти
автомобиль йўллари ҳудудий
бош бошқармаси**

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2775-сонли қарорига кўра, қуйидаги техникалар: 2 дона 0,8 м³ ағдаргичли (отвал) ва ковш ҳажми 0,25 м³ бўлган «New Holland» русумли тракторлар ҳамда қўлда бошқариладиган бир валли 11 дона «BOMAG» русумли катокни сотиб олиш учун танлов эълон қилади.

Маълумот учун телефон: (0-373) 226-39-46.
E-mail: fargona@uzavtoyul.uz
Манзил: Фарғона шаҳри, Аэропорт кўчаси, 1-уй.

**Давлат, ҳуқуқий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар
раҳбарлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ
БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни етказиб бериш бўйича
танлов савдолари эълон қилади:**

- линиясиз видеомонтаж учун кучайтирилган компьютер — 4 тўплам;
- видеомонтаж учун кучайтирилган компьютер — 14 тўплам;
- график ишлар учун кучайтирилган компьютер — 10 тўплам;
- видеоархив учун сервер — 1 дона;
- ноутбук — 1 дона;
- шахсий компьютер — 5 дона;
- А3 форматли рангли фотопринтер — 1 дона;
- А4 форматли рангли фотопринтер — 4 дона;
- А4 форматли лазерли принтер — 5 дона;
- 16 портли тармоқ коммутатори — 2 дона;
- МФУ лазер принтери — 14 дона;
- «Радий» русумли радиотўлқинли датчик — 34 тўплам;
- Е1 («OQILIM») рақамли оқимларни ҳимоя қиладиган криптографик аппаратура — 6 тўплам;
- IP-телефония («QANRABO») маълумотларини шифрлайдиган аппарат-дастур мослама — 6 тўплам;
- ахборотларни аппарат-дастурли криптографик ҳимоя қиладиган асосий рақамли каналлар ва тон (товуш) частотали каналларни шифрлайдиган мослама («ТОРАЗ») — 6 тўплам;
- шифрлайдиган аппарат-дастур мослама (шахсий компьютер ва принтер) — 10 тўплам;
- ахборот узатувчи аппаратура — 9 тўплам;
- рақамли фото ва видеоахборотни сақлаш учун сервер — 7 дона;
- кучайтирилган ишчи станция (шахсий компьютер монитор билан) — 30 тўплам;
- кучайтирилган кўча компьютерлар (катта ҳажмдаги ахборотлар устида ишлайдиган ноутбук) — 17 тўплам;

- видео ва аудиоёзувлардан қайта ёзиб олиш ва монтаж ишларини бажариш учун кучайтирилган шахсий компьютер комплекси — 9 тўплам;
- 14 ўринли компьютер синфи — 3 тўплам;
- 16 ўринли компьютер синфи — 3 тўплам;
- 16 иш ўринли радиостанцияли компьютер синфи — 1 тўплам;
- электрон доскали компьютер синфи — 3 тўплам;
- 16 ўринли лингафон синфи — 2 тўплам;
- 750ВА инвертор, 12В ўзгармас ток, узлуксиз энергия манбаи — 140 тўплам;
- мультимедияли комплекс (синф) — 22 тўплам;
- планшетли сканер — 765 дона;
- кўп функцияли мослама 3/1 (МФУ 3/1) (нусха кўчириш аппарати, принтер, сканер) — 297 дона;
- қозонли майдалаб ташлайдиган машина — 887 дона;
- АТСдан тармоқ телефон аппарати — 85 дона;
- 60 абонент учун мўлжалланган рақамли коммутатор — 7 тўплам;
- 40 абонент учун мўлжалланган рақамли коммутатор — 8 тўплам;
- оптик толали алоқа линияси (ВОЛС) учун «МТС-8000» ўлчаш асбоби — 7 тўплам;
- таксимловчи монтаж шкафи — 38 дона;
- телефон (смартфон) — 693 дона;
- планшет — 40 дона;
- ташқи аккумулятор (Power Bank) — 1857 дона;
- моноблок типдаги шахсий компьютер — 200 дона;
- USB DVD-RW — 201 дона;
- периферик ва оргтехника учун сарфлаш материаллари;
- 4 та 55 дюймли монитор ва ВКС учун микрофонли LED видеодевор — 4 тўплам;
- йирик масштабли тўлиқ рангли ёруғлик диодли экран (LED).

**Тижорат таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати —
2018 йил 16 апрель кунни соат 18.00.**

Тижорат таклифларини тақдим этиш муддати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Моддий-техника таъминоти бошқармаси билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда узайтирилиши мумкин.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Республикаси ИИБ МТТБ. Телефонлар: (0-371) 255-75-12, 231-55-11. Факс: (0-371) 281-43-74. E-mail: umts@mvd.uz

**Халқ сўзи
Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-4768

4172030478004

Тахриратта келган кўлазмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида термал ҳама оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Қаримов.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.47 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6